

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

40-сон
(280)
2007 й.
сентябрь-
октябрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпلامнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпلامнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

+

-

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

410. «Автомобиль йўллари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 2 октябрдаги ўРҚ–117-сон Қонуни

411. «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 2 октябрдаги ўРҚ–118-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

412. «2007 йилнинг 1 октябридан муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг лавозим маошлари миқдорларини ошириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 2 октябрдаги ПФ–3927-сон Фармони

413. «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 2 октябрдаги ПҚ-700-сон қарори
414. «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 октябрдаги ПҚ-702-сон қарори
415. «Акциз солиғига тортиладиган айрим турдаги товарларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит йўли билан олиб ўтилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 октябрдаги ПҚ-703-сон қарори

Учинчи бўлим

416. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 28 сентябрдаги 205-сон қарори

Бешинчи бўлим

417. «Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 15 августдаги 77, 2007-46-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 22 сентябрда 1110-7-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2007 йил 29 сентябрдан 5 октябргача бўлган маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

410 Автомобиль йўллари тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2007 йил 29 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 24 августда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, сақлаш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги (бундан буён матнда автомобиль йўллари соҳасидаги деб юритилади) муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Автомобиль йўллари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Автомобиль йўллари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Ҳақ тўланадиган автомобиль йўллари соҳасидаги муносабатлар алоҳида қонун билан тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг автомобиль йўллари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

автомобиль йўли — транспорт воситалари ҳаракатланиши учун мўлжалланган, уларнинг белгиланган тезликда, оғирликда, ўлчамларда муттасил ва хавфсиз ҳаракатланишини таъминлайдиган муҳандислик иншоотлари мажмуаси, шунингдек ушбу мажмуани жойлаштириш учун берилган ер участкалари ва мажмуа устидаги белгиланган доирадаги бўшлиқ;

автомобиль йўлларида фойдаланувчилар — йўл ҳаракатининг иштирокчилари бўлган ёки ажратилган минтақа ҳамда йўл бўйи минтақаси доираларида белгиланган тартибда рухсат этилган фаолиятни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар;

ажратилган минтақа — автомобиль йўли, унинг тегишли конструктив элементлари ва муҳандислик иншоотлари, шунингдек автомобиль йўлидан фойдаланиш

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 3 октябрда эълон қилинган.

учун зарур бўлган бинолар, иншоотларни жойлаштириш, ихота ва манзарали дарахтзорлар барпо этиш учун доимий фойдаланишга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бериладиган ер участкаси;

йўл бўйи минтақаси — ажратилган минтақага туташган, чегараларида аҳоли хавфсизлигини ва транспортнинг ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш учун ердан фойдаланишнинг алоҳида шартлари белгиланадиган ер участкаси;

хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари — қишлоқ жойлардан ўтадиган ва хўжаликларни ўзаро боғлайдиган автомобиль йўллари. Хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ихтиёрида бўлади.

2-боб. Автомобиль йўллари соҳасини бошқариш

4-модда. Автомобиль йўллари соҳасида давлат бошқаруви

Автомобиль йўллари соҳасида давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари соҳасидаги махсус ваколатли орган (бундан буён матнда махсус ваколатли орган деб юритилди), шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг автомобиль йўллари соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

автомобиль йўллари соҳасидаги давлат дастурларини тасдиқлайди;

давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг автомобиль йўллари соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

Ўзбекистон Республикасининг умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари рўйхатини тасдиқлайди;

автомобиль йўллари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш тартибини белгилайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

6-модда. Махсус ваколатли органнинг ваколатлари

Махсус ваколатли орган:

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари ривожлантириш давлат дастурларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

автомобиль йўллари тармоқларини ривожлантириш ва такомиллаштириш истиқболларини белгилайди;

автомобиль йўллари соҳасида ягона техника сиёсатини олиб боради;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари лойиҳалаш соҳасидаги нормалар ва стандартларга риоя этилишини таъминлайди;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш сифати устидан назоратни амалга оширади;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари давлат кадастрини юритади;

Ўзбекистон Республикасининг умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари рўйхати бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва уларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади;

автомобиль йўллари соҳасида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишларини амалга оширади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

7-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг автомобиль йўллари соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг транспорт инфратузилмасини ривож-
лантириш дастурларини ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчаларини лойиҳалаш соҳасидаги
нормалар ҳамда стандартларга риоя этилишини таъминлайди;

шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчаларини, шунингдек хўжаликлар-
аро қишлоқ автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ҳамда
сақлашни таъминлайди;

шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчаларининг ҳисобини юритади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

3-боб. Автомобиль йўлларини таснифлаш ва уларнинг тоифалари

8-модда. Автомобиль йўлларини таснифлаш

Ўзбекистон Республикасида автомобиль йўллари қуйидагича таснифланади:

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари;

шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчалари;

хўжалик автомобиль йўллари.

9-модда. Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари давлат мулки бўлиб, автомобиль
йўлларидан фойдаланувчилар учун очикдир. Умумий фойдаланишдаги автомобиль
йўллари аҳоли эҳтиёжларини, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ва муҳофаа эҳти-
ёжларини қаноатлантириш учун шаҳарлар ҳамда бошқа аҳоли пунктлари ўртасида
юқлар ва йўловчилар ташишни таъминлайди.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари халқаро, давлат ва маҳаллий
аҳамиятга молик автомобиль йўлларига бўлинади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ халқаро ав-
томобиль йўллари тармоғига кирадиган йўллар халқаро аҳамиятга молик автомо-
биль йўллари жумласига кирилади.

Ўзбекистон Республикаси вилоятлари ва туманларининг маъмурий марказла-
ри, вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар, маданият ҳамда саноат марказлари ўртасида
транспорт қатновини таъминлайдиган, мазкур марказларни эса, халқаро аҳамиятга
молик йўллар билан, аэропортлар, темир йўл станциялари, портлар ва кема тўхташ
жойлари, шунингдек қўшни давлатлар билан боғлайдиган йўллар давлат аҳамияти-
га молик автомобиль йўллари жумласига кирилади.

Туманларнинг маъмурий марказларини шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар
билан, шунингдек давлат аҳамиятига молик йўллар билан боғлайдиган йўллар маҳал-
лий аҳамиятга молик автомобиль йўллари жумласига кирилади.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари махсус ваколатли орган ихтиё-
рида бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари
рўйхати белгиланган тартибда тасдиқланади.

10-модда. Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчалари

Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчалари шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқлар ва овуллар доирасида ўтади, мазкур кўчаларнинг Ўзбекистон Республикасининг умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари рўйхатига белгиланган тартибда киритилган участкалари бундан мустасно.

Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчалари давлат мулки бўлиб, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ихтиёрида бўлади.

11-модда. Хўжалик автомобиль йўллари

Хўжалик автомобиль йўллари давлат ёки юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкидир. Технологик мақсадларга хизмат қиладиган йўллар, шохобча, хизмат, патруль ва бошқа шунга ўхшаш автомобиль йўллари хўжалик автомобиль йўллари жумласига киради.

12-модда. Автомобиль йўлларининг тоифалари

Автомобиль йўллари техник вазифасига кўра қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тоифаларга бўлинади.

4-боб. Автомобиль йўлларини молиялаштириш, қуриш ва сақлаш**13-модда. Автомобиль йўлларини молиялаштириш**

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини молиялаштиришга ажратилган маблағлар белгиланган мақсадга эга бўлади ва тегишли автомобиль йўлларини таъмирлаш, сақлаш ҳамда ривожлантириш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёжлар учун олиб қўйилмайди ёки сарфланмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчаларини, шунингдек хўжаликлар аро қишлоқ автомобиль йўлларини молиялаштириш маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Хўжалик автомобиль йўлларини молиялаштириш улар қайси юридик ва жисмоний шахслар ихтиёрида бўлса, ўша юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилади.

14-модда. Автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва реконструкция қилиш

Автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва реконструкция қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

Автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш учун ишлаб чиқилган шаҳарсозлик ҳужжатлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат экспертизасидан ўтказилиши керак.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўли билан туташадиган ёхуд кесишадиган автомобиль йўлини қуриш учун рухсатнома белгиланган тартибда махсус ваколатли орган ёки унинг тегишли ҳудудий бўлинмаси томонидан берилади. Агар йўлнинг туташган ёхуд кесишган жойи тегишли рухсатномасиз ёки шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари бузилган ҳолда қурилган бўлса, махсус ваколатли орган

ёки унинг тегишли ҳудудий бўлинмаси уларни реконструкция қилиш ҳақида ёхуд ҳудудни дастлабки ҳолатига келтириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Ажратилган минтақада муҳандислик коммуникацияларини қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш лойиҳалари автомобиль йўли қайси юридик ва жисмоний шахслар ихтиёрида бўлса, ўша юридик ва жисмоний шахслар билан келишиб олиниши керак.

Автомобиль йўлини қуриш ёки реконструкция қилиш чоғида муҳандислик коммуникацияларини кўчириш бўйича олиб бориладиган ишлар қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

15-модда. Автомобиль йўллари таъмирлаш ва сақлаш

Автомобиль йўллари таъмирлаш ва сақлаш мазкур йўллар қайси юридик ва жисмоний шахслар ихтиёрида бўлса, ўша юридик ва жисмоний шахслар томонидан таъминланади.

Автомобиль йўллари таъмирлаш ва сақлаш автомобиль йўллари қайси юридик ва жисмоний шахслар ихтиёрида бўлса, ўша юридик ва жисмоний шахслар ташкил этадиган ёки жалб қиладиган ихтисослаштирилган ташкилотлар (бундан буюн матнда йўл ташкилотлари деб юритилади) томонидан амалга оширилиши мумкин.

Темир йўлларни кесиб ўтиш жойларини, осма кўприкларни, паром кечувларини, трамвай йўллари ҳамда автомобиль йўлларидаги бошқа иншоотларни таъмирлаш ва сақлаш мазкур иншоотлар қайси юридик шахслар ихтиёрида бўлса, ўша юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

16-модда. Йўл ташкилотларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Ноқулай об-ҳаво-иқлим шароитларида, табиий офатлар, ёнғинлар юз берганда, автомобиль йўли кўтариш қобилятини йўқотганда ва бошқа шунга ўхшаш ҳолларда, шунингдек таъмирлаш-қурилиш ишлари олиб борилаётганда йўл ташкилотлари маҳаллий давлат ҳокимияти органларига бу ҳақда билдирган, автомобиль йўлларида фойдаланувчиларни оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиш билан хабардор қилган ҳамда тегишли белгилар ўрнатган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ва Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги бўлинмалари билан биргаликда транспорт воситалари ҳаракатини чеклаш ёки тақиқлаш ҳуқуқига эга.

Йўл ташкилотлари автомобиль йўлларининг соз ҳолатда бўлишини, улардан транспорт воситалари муттасил ва хавфсиз ўтишини таъминлаши шарт.

5-боб. Автомобиль йўлларида фойдаланиш

17-модда. Автомобиль йўлларида фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари

Автомобиль йўлларида фойдаланувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:
умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчаларидан, шунингдек бошқа шахслар фойдаланиши учун очик бўлган хўжалик автомобиль йўлларида ўтиш;

муттасил, йил давомида, хавфсиз ва қулай шароитларда ҳаракатланиш;
ҳаракатланишнинг йўл шароитлари тўғрисида тезкор ахборот олиш;
автомобиль йўлидаги носозликлар туфайли етказилган зарарни белгиланган тартибда ундириб олиш.

Автомобиль йўлларида фойдаланувчилар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

18-модда. Автомобиль йўлларида фойдаланувчиларнинг мажбуриятлари

Автомобиль йўлларида фойдаланувчилар:
ҳаракат хавфсизлигини ва автомобиль йўлларида сақлашни таъминлай оладиган ҳолатдаги транспорт воситаларида фойдаланишлари;
ажратилган минтақани ифлослантмасликлари;
автомобиль йўлларидаги шикастланиш ҳолларига йўл қўймасликлари шарт.
Автомобиль йўлларида фойдаланувчиларнинг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

19-модда. Автомобиль йўлларида фойдаланувчиларнинг жавобгарлиги

Автомобиль йўлининг элементлари шикастланишига йўл қўйган автомобиль йўлларида фойдаланувчилар белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади ҳамда кўрсатилган элементларнинг ва уларни тиклаш ишлари қийматининг ўрнини қоплайди.

20-модда. Автомобиль йўлларида фойдаланиш тартиби

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида фойдаланиш тартиби махсус ваколатли орган томонидан белгиланади.

Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчаларидан, шунингдек хўжаликларaro қишлоқ автомобиль йўлларида фойдаланиш тартиби маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланади.

Хўжалик автомобиль йўлларида фойдаланиш тартиби мазкур автомобиль йўллари қайси юридик ва жисмоний шахслар ихтиёрида бўлса, ўша юридик ва жисмоний шахслар томонидан белгиланади.

Автомобиль йўлларида ўқига тушадиган юк ва оғирлиги белгиланган нормалардан ортиқ бўлмаган транспорт воситалари, ўзиюлар машиналар ҳамда механизмларнинг ўтишига рухсат берилади.

Ўқига тушадиган юк ва ўлчамлари муайян автомобиль йўли учун белгиланган нормалардан ортиқ бўлган транспорт воситаларининг ўтиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳақ ундирилади. Автомобиль йўли элементлари шикастланган тақдирда, автомобиль йўлида фойдаланиш учун рухсат берилганлиги бундай транспорт воситалари эгаларини жавобгарликдан озод этмайди.

Чет давлатлар транспорт воситаларининг автомобиль йўлларида ўтиши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

21-модда. Автомобиль йўлларида уларнинг асосий вазифаси билан боғлиқ бўлмаган ҳолларда фойдаланиш

Автомобиль йўлларида уларнинг асосий вазифаси билан боғлиқ бўлмаган ҳолларда фойдаланиш автомобиль йўллари қайси юридик ва жисмоний шахслар ихтиёрида бўлса, ўша юридик ва жисмоний шахслар томонидан қонун ҳужжатларида мувофиқ белгиланади.

Агар қонунда бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, автомобиль йўллари қайси юридик ва жисмоний шахслар ихтиёрида бўлса, ўша юридик ва жисмоний шахслар билан келишмасдан туриб:

ажратилган минтақада йўл ахборотиغا алоқаси бўлмаган реклама пештахталари, пешлавҳалар, эълонлар ўрнатиш ва жойлаштиришга;
спорт мусобақалари ва жамоатчилик тадбирлари ўтказишга;
ажратилган минтақа доирасида кўкаламзорлаштириш ишларини олиб боришга;

каналлар, алоқа ва электр узатиш линиялари, қувурлар, темир йўллар ҳамда бошқа коммуникацияларнинг автомобиль йўлларини кесиб ўтишига;

туташидиган ва ажралиб чиқадиган йўллар қуришга;

кўприклар ва сув қувурлари яқинида мелиорация ҳамда бошқа мақсадлар учун дарёлар ва зовурларнинг ўзанларини чуқурлаштиришга;

автомобиль йўлига қўшилиб кетган шлюзлар, тўғонлар ва бошқа мелиорация ҳамда гидротехника иншоотларини таъмирлашга;

автомобиль йўллари четларида ҳамда йўл кўтармалари ёки ўйимларининг қияликларида жойлашган, фойдаланилаётган алоқа ва электр узатиш линияларини реконструкция қилиш ишларини бажаришга йўл қўйилмайди.

22-модда. Ажратилган минтақадан фойдаланиш тартиби

Агар қонунда бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, ажратилган минтақадан унда ишлар бажариш учун автомобиль йўли қайси юридик ва жисмоний шахслар ихтиёрида бўлса, фақат ўша юридик ва жисмоний шахсларнинг рухсати билан фойдаланилиши мумкин.

Ажратилган минтақанинг участкалари атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва ҳаракат хавфсизлиги қоидалари талабларини таъминлаш шarti билан сервис объектларини жойлаштириш учун вақтинча фойдаланишга белгиланган тартибда берилиши мумкин.

23-модда. Автомобиль йўлларида ҳаракатланишни чеклаш ёки тақиқлаш

Ушбу Қонун 16-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолларда ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда автомобиль йўлларида ҳаракатланиш чекланиши ёки тақиқланиши мумкин.

Автомобиль йўллари қайси юридик ва жисмоний шахслар ихтиёрида бўлса, ўша юридик ва жисмоний шахслар ажратилган минтақада иш олиб борилаётганда ҳам, агар бундай ишлар транспорт воситалари ҳамда пиёдаларнинг ҳаракат хавфсизлигига таҳдид қилса, автомобиль йўлларидаги ёки уларнинг айрим участкаларидаги ҳаракатланишни чеклаш ёхуд тақиқлашга ҳақли.

Ишлар олиб бориш учун автомобиль йўлларидаги ёки уларнинг айрим участкаларидаги ҳаракатланишни чеклаш ёки тақиқлаш автомобиль йўллари қайси юридик ва жисмоний шахслар ихтиёрида бўлса, ўша юридик ва жисмоний шахслар томонидан берилган рухсатномалар асосида амалга оширилади.

Шошилиш, кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда автомобиль йўлларида ҳаракатланишни чеклаш ёки тақиқлаш ишлар олиб бориш учун олдиндан рухсатнома олмаган ҳолда жорий этилиши мумкин, бироқ бунда автомобиль йўллари қайси юридик ва жисмоний шахслар ихтиёрида бўлса, ўша юридик ва жисмоний шахслар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бўлинмалари бу ҳақда хабардор қилиниши шарт.

24-модда. Автомобиль йўлига туташ ер участкаларининг мулкдорлари, эгалари ва улардан фойдаланувчиларнинг мажбуриятлари

Автомобиль йўлига туташ ер участкаларининг мулкдорлари, эгалари ва улардан фойдаланувчилар:

автомобиль йўлига қўшиладиган ва шохобча йўлларни техникавий жиҳатдан соз ҳолатда сақлашлари;

ажратилган минтақадаги дов-дарахтларни асраш ва сақлашга кўмаклашишлари;

автомобиль йўлига туташ буталарни парвариш қилишлари ва иморатларни соз ҳолатда сақлашлари шарт.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлига туташ ер участкаларининг мулкдорлари, эгалари ва улардан фойдаланувчилар автомобиль йўли ўқидан эллик метрдан кам бўлган масофада тошлар, шох-шабба, конструкциялар ва бошқа материаллар тўпланишига йўл қўймасликлари шарт.

25-модда. Автомобиль йўлларида фойдаланиш тартибига риоя қилмаганлик учун юридик ва жисмоний шахсларнинг жавобгарлиги

Автомобиль йўллари қайси юридик ва жисмоний шахслар ихтиёрида бўлса, ўша юридик ва жисмоний шахслар автомобиль йўлларида фойдаланувчиларга автомобиль йўлидаги носозликлар туфайли етказилган зарарнинг ўрнини белгиланган тартибда қоплаши шарт.

Автомобиль йўлидан ўтиш шароитларининг ёмонлашишига сабаб бўладиган ишларни бажараётган юридик ва жисмоний шахслар автомобиль йўлларида фойдаланиш тартибига риоя этмаганлик, шунингдек автомобиль йўлининг тегишли участкаларида ва айланиб ўтиш жойларида транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланишини таъминламаганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

6-боб. Якунловчи қоидалар**26-модда. Низоларни ҳал этиш**

Автомобиль йўллари соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

27-модда. Автомобиль йўллари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Автомобиль йўллари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

28-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

29-модда. Қонунни ўз кучини йўқотган деб топиш

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлда қабул қилинган «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги 653–ХП-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 9, 353-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

30-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 2 октябрь,
ЎРҚ-117-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

+

411 «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида*

-

Қонунчилик палатаси томонидан
2007 йил 29 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 24 августда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августда қабул қилинган «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги 265–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 128-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **5-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

соғлиқни сақлаш ва тиббий сугуртанинг норматив базасини, тиббий ёрдам сифати ва ҳажми давлат стандартларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

барча тиббий муассасаларнинг фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этиши устидан назоратни амалга оширади;

фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасида мақсадли давлат дастурларини амалга оширади;

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 4 октябрда эълон қилинган.

давлат томонидан кафолатланган ҳажм доирасида аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатилишини ташкил этади;

тиббиёт ва фармацевтика фаолиятини лицензиялашни белгиланган тартибда амалга оширади;

давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида тиббий хизматлар тарифлари даражасини тартибга солади;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари ва препаратларини стандартлаштириш ҳамда сертификатлаштиришни амалга оширади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади»;

2) **10-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Соғлиқни сақлашнинг хусусий ва бошқа хил тизимлари жумласига хусусий тиббиёт амалиёти ёки хусусий фармацевтика фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар, ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган даволаш-профилактика, дорихона муассасалари ҳамда тиббиёт ва фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар кирази.

Соғлиқни сақлашнинг хусусий ва бошқа хил тизимларига тааллуқли даволаш-профилактика муассасалари фуқароларнинг айрим гуруҳларига бепул тиббий хизмат кўрсатадилар. Бундай хизматларнинг ҳажми, рўйхати, уларни кўрсатиш тартиби ҳамда компенсацияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Соғлиқни сақлашнинг хусусий ва бошқа хил тизимларида фақат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўлланилишига рухсат этилган профилактика, ташхис қўйиш ҳамда даволаш воситаларидан фойдаланилади.

Соғлиқни сақлашнинг хусусий ва бошқа хил тизимлари белгиланган тартибда тиббий ҳужжатларни юритиши ҳамда статистика маълумотларини тақдим этиши шарт»;

3) **11-модда биринчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «табобат» деган сўз «тиббиёт» деган сўз билан алмаштирилсин;

4) **14-модданинг иккинчи қисмидаги** «башарти Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

5) **30-модданинг учинчи қисмидаги** «давлат» деган сўз чиқариб ташлансин.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 2 октябрь,
ЎРҚ-118-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

412 2007 йилнинг 1 октябридан муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг лавозим маошлари миқдорларини ошириш тўғрисида

Ҳарбий хизматнинг обрў-эътиборини янада ошириш, муддатли ҳарбий хизматдаги ҳарбий хизматчиларнинг ўқув-жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлиги самарадорлигини оширишда моддий жиҳатдан рағбатлантиришни кучайтириш мақсадида:

1. 2007 йилнинг 1 октябридан бошлаб муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг лавозим маошлари миқдорлари 1,15 баравар оширилсин.

2. Мазкур ҳарбий хизматчиларнинг лавозим маошларини ошириш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ҳамда Молия вазирлигининг махсус ҳисоби «Сафарбарлик чакирув резерви маблағлари» ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан бирга-ликда ушбу Фармоннинг талабларига мувофиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга аниқлик ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг Котиби М.И. Атаев зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 2 октябрь,
ПФ-3927-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

413 Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида» 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ–3923-сонли Фармонига мувофиқ ҳамда тиббиёт муассасалари фаолиятини бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг ва унинг марказий аппаратининг такомиллаштирилган тузилмалари 1 ва 2-иловаларга* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппарати, вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармалари, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларининг тузилмалари 3 — 7-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки:

вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармалари икки ташкилотга — тегишли ҳокимлик ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига бўйсунди;

вилоят ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи, вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази, вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори, шунингдек вилоят тиббий диагностика маркази, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари раҳбарлари лавозимига тегишли вилоят ҳокими ёки Тошкент шаҳар ҳокими тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири томонидан тайинланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошида соғлиқни сақлаш тизими раҳбар ходимларини аттестациядан ўтказувчи доимий фаолиятдаги комиссия 8-иловага** мувофиқ ташкил этилсин.

Қуйидагилар аттестация комиссиясининг асосий вазифалари этиб белгилансин: соғлиқни сақлаш тизимининг раҳбар ходимларини ҳар йили аттестациядан ўтказиб туриш, жумладан, уларнинг касбий тайёргарлик ва малака даражаси бўйича эгаллаб турган лавозимига муносиблигини баҳолаш;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг ҳудудий органларидаги кадрлар таркибини юқори малакали мутахассислар билан мустаҳкамлаш чора-тадбирларини кўриш; соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғини ва бошқарув органлари раҳбарларининг малакаси ҳамда касбий тайёргарлиги даражасини доимий равишда ошириб бориш тизимини яратиш бўйича таклифлар тайёрлаш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда аттестация комиссияси тўғрисидаги низомни, аттестациядан ўтказиш тартибини, шунингдек аттестациядан ўтказиладиган соғлиқни сақлаш тизими раҳбар ходимларининг лавозимлари рўйхатини тасдиқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги ва

* 1 — 7-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

** 8-илова берилмайди.

Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда янги ташкил этилаётган Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази, вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази, вилоят диагностика маркази, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси, шунингдек қишлоқ врачлик пункти тўғрисидаги низомлар лойиҳаларини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг Қорқалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари, туман (шаҳар) марказий шифохоналари, шунингдек ҳудудий санитария-эпидемиология назорати марказларининг марказлаштирилган бухгалтерияларини тугатиш ҳамда уларнинг негизида:

ҳудудий молия органлари тузилмасида соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштириш бўлимлари (шўъбалари)ни;

ҳар бир соғлиқни сақлаш муассасасида мазкур муассасаларга юридик шахс мақомини берган ҳолда молия-бухгалтерлик хизматини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда:

икки ҳафта муддатда ҳудудий молия органлари тузилмасида соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштириш бўлимлари (шўъбалари) ҳамда соғлиқни сақлаш муассасалари молия-бухгалтерлик хизматлари ходимлари сонининг нормативларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

икки ҳафта муддатда тиббиёт муассасаларининг молия-бухгалтерлик хизматлари билан ҳудудий молия органлари ўртасидаги вазифалар ва мажбуриятлари тақсиротини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, бунда тасдиқланган нормативлар асосидаги харажатлар сметаси тиббиёт муассасалари томонидан ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши ҳамда молия органларида рўйхатга олинishi, тиббиёт муассасалари харажатларининг тўлови эса рўйхатга олинган харажатлар сметасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилик бўлимлари томонидан амалга оширилиши назарда тутилсин;

тиббиёт муассасаларининг молия-бухгалтерлик хизматларини юқори малакали мутахассислар билан тўлдириш бўйича амалий чоралар кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилик бўлимлари тиббиёт муассасаларининг бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши ҳамда бюджет интизомига риоя этиши устидан қаттиқ назоратни таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда:

тиббиёт муассасаларида қон, унинг компонентлари ва препаратларини тайёрлаш, сақлаш ва хавфсизлик стандартларига ҳамда аҳолига гематологик ёрдам кўрсатиш стандартларига риоя қилиш устидан назоратни кучайтириш тўғрисидаги;

2008 йилнинг 1 январидан бошлаб қон ишлатиш билан боғлиқ бўлган барча тиббий муолажаларни кўп маротаба қўлланилиши тақиқланган буюм ҳамда асбоблар рўйхатини тасдиқлаган ҳолда бир маротабалик тиббий буюм ва асбоблардан фойдаланишга ўтказиш тўғрисидаги;

2008 — 2010 йилларда гематология ва қон қуйиш институтини, қон қуйиш станцияларини, ОИТС марказларини замонавий лаборатория ва бошқа жиҳозлар билан бюджет маблағлари ҳамда халқаро ташкилотлар ва молия институтлари грантларини жалб этиш ҳисобидан мукамал таъмирлаш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Белгилансинки, хусусий тиббиёт муассасалари қуйидаги мажбурий талаблар ва шартларни бажарган тақдирда аҳолига хизмат кўрсатиш ҳуқуқига эга:

тиббиёт муассасаси даволаш фаолиятини фақат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатга биноан муайян турдаги ихтисос йўналиши бўйича амалга оширади;

диагностика ва даволаш асбоб-ускуналаридан иборат замонавий моддий-техник базанинг мавжудлиги;

муассаса штатида турган, тегишли ихтисос йўналиши бўйича малака тоифасига эга бўлган юқори малакали врач мутахассислар диагностика ва даволаш фаолиятини мустақил равишда олиб бориши;

тиббиёт муассасаси фаолиятини фақатгина даволаш жараёни стандартларига жавоб берадиган бино ва хоналарда ташкил этиши.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг лицензия бериш ва нодавлат муассасалари томонидан кўрсатиладиган тиббий хизматларнинг сифатини назорат қилиш бошқармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомни, шунингдек, тиббиёт фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги янгиланган низомни тасдиқласин ва бунда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг хусусий тиббиёт муассасалари томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этиши устидан назоратни амалга оширишнинг алоҳида регламенти назарда тутилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

— уч ой муддатда янги ташкил этилаётган туман тиббиёт бирлашмалари, вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказлари, жумладан, вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт марказлари, шунингдек, тиббий диагностика марказларида комплекс инвентаризация ўтказсин ва уларнинг моддий-техник базаси ҳолатини баҳоласин;

ўтказилган инвентаризация натижалари бўйича 2008 — 2012 йилларда вилоят кўп тармоқли тиббиёт ва диагностика марказлари, туман тиббиёт бирлашмалари ҳамда санитария-эпидемиология хизматларини босқичма-босқич мукамал таъмирлаш ва замонавий диагностика ҳамда даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш) Дастури лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин, бунда ушбу мақсадлар учун халқаро ташкилотлар ва молия институтларининг грантлари ҳамда қарзларини жалб этиш назарда тутилсин;

ташкил этилаётган республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, вилоят тиббиёт диагностика марказлари, кўп тармоқли тиббиёт марказлари, болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари биноларини реконструкция қилиш, уларнинг бўлинмаларини беморларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш технологияларига мувофиқ мақбул тарзда жойлаштирган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг 2008 — 2012 йиллардаги Инвестиция дастурларига киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази қошида, мавжуд майдонлардан, Марказнинг ишлаб чиқариш-техника ва кадрлар салоҳиятидан фойдаланган ҳолда, кардиохирургия бўлимини ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ой муддатда тиббиёт муассасаларига замонавий тиббиёт асбоб-ускуналарини узоқ муддат ижарага берадиган, устав капиталини шакллантириш манбалари белгиланган ихтисослаштирилган

лизинг компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 22 январдаги Ф–2658-сонли фармойиши билан тузилган Ишчи гуруҳнинг соғлиқни сақлаш тармоғини ва шифохоналардаги ўринлар сонини, шу жумладан кам қувватли тиббиёт муассасаларини тугатиш ёки тегишли шифохоналарнинг бўлимларига айлантириш ҳисобига мақбуллаштириш тўғрисидаги таклифи 9-иловага* мувофиқ маъқуллансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда:

клиник ординатура орқали шифокор ходимлар малакасини ошириш ва касб маҳоратини такомиллаштиришни;

тиббиёт мусасаларининг бош шифокорлари ва уларнинг ўринбосарларини тиббиёт муассасалари менежменти бўйича қисқа муддатли махсус курсларда ўқитишни назарда тутувчи тиббиёт кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида» 1999 йил 14 январдаги 18-сонли қарорининг 1-банди, 1 ва 7-иловалари;

Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 2 октябрдаги 207-сонли қарорининг 2-иловаси.

15. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ҳамда идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Қосимов ва Р.С. Азимов зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 2 октябрь,
ПҚ–700-сон

* 9-илова берилмайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

414 Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида

1. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги иштирокчи давлатларда давлатлараро электр узатиш, линиялари бўйича ўтказилган электр энергияси ҳисоблагичларидан кўрсаткичларни олиш учун ягона вақтни жорий этиш тўғрисида 2006 йил 24 ноябрда Минск шаҳрида имзоланган қарор тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги мазкур халқаро шартнома кучга кириши учун Ўзбекистон Республикаси зарур бўлган ички давлат тартиб-қоидаларини бажаргани тўғрисида депозитарийга тегишли билдиришнома йўллсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ушбу халқаро шартнома кучга киргандан кейин Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилиши устидан белгиланган тартибда назоратни таъминласинлар.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 4 октябрь,
ПҚ-702-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

415 Акциз солиғига тортиладиган айрим турдаги товарларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит йўли билан олиб ўтилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида

Акциз солиғига тортиладиган айрим турдаги товарларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ҳаракати устидан тегишли божхона назоратини таъминлаш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2007 йилнинг 10 октябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали алкоғолли ва тамаки маҳсулотларининг автомобиль ва темир йўл транспорти воситасидаги транзит ҳаракати қуйидаги шартлар бажарилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг рухсатига биноан амалга оширилади:

юк олиб ўтувчи томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг депозит ҳисобварағига тегишли божхона тўловларининг барча суммаси тўланиши

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

шарт, кейинчалик товарлар Ўзбекистон Республикаси ташқарисига олиб чиқиб кетилганлиги тасдиқлангандан сўнг тўланган суммалар қайтариледи;

товар ишлаб чиқарилган мамлакат сертификати, товар сифати сертификати, уни етказиб бериш шартномаси (битими), товарлар бир нечта қисмга ажратилиб, транзит йўли билан ташилган тақдирда, уни олиб ўтиш жадвалининг мавжудлиги.

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали олиб ўтиладиган алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини божхона органларининг кузатиб бориши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

2. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит йўли билан алкоғолли ва тамаки маҳсулотларининг олиб ўтилишига рухсат бериш тўғрисидаги қарорининг амал қилиш муддати қарор қабул қилинган кундан бошлаб узоғи билан олти ойни ташкил этади;

транзит мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган алкоғолли ва тамаки маҳсулотлари, агар уларга Вазирлар Маҳкамасининг транзит ҳаракат қилиш учун рухсатномаси бўлмаса ёки божхона тўловлари тўлиқ ҳажмда тўланмаган бўлса, ушбу маҳсулотлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ қайтариб олиб чиқиб кетилади.

3. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали алкоғолли ва тамаки маҳсулотларининг транзит ҳаракатига рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит йўли билан олиб ўтиладиган алкоғолли ва тамаки маҳсулотларига нисбатан божхона тўловлари пулини Ўзбекистон Республикаси божхона органлари депозит ҳисобварағига тўлаш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда 2007 йилнинг 10 октябригача бўлган муддатда божхона органлари депозит ҳисобварақларига хизмат кўрсатувчи вакил банкларни белгиласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали товарларнинг транзит ҳаракати тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритилгани тўғрисида хориждаги дипломатик ваколатхоналар орқали тегишли давлатлар ташқи ишлар вазирликларини белгиланган тартибда хабардор қилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг бож олинадиган ҳудуди орқали ташиладиган акциз солиғига тортиладиган товарларни назорат қилишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 12 ноябрдаги 509-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ҳамда идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги вазирликлар ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

* 1-2-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

8. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 4 октябрь,
ПҚ-703-сон

—

+

УЧИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI****416 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

Хорижий автомобилда юк ташувчилар транспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйича ҳаракатланиши устидан назоратни янада такомиллаштириш, экспорт юкларни ташиш учун улардан оқилона ва самарали фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 28 сентябрь,
205-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 28 сентябрдаги 205-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Автомобилда хорижий юк ташувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киришлари, бўлишлари, юк олиб ўтишлари ва ундан чиқиб кетишлари тартиби тўғрисида» 1995 йил 11 январдаги 11-сон қарорининг 4-бандига қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Автомобилда хорижий юк ташувчиларнинг транзит орқали ўтувчи транспорт воситаларининг ҳаракат йўналиши Ўзбекистон Республикаси божхона органлари томонидан ўзгартирилган тақдирда уларнинг чиқиб кетиш муддати Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирган кундан бошлаб 10 кундан ошмаслиги керак».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 28 ноябрдаги 245-сон қарори билан тасдиқланган Хорижий автомобилда юк ташувчилар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ҳаракатланиш йўналишларини ўзгартиришга рухсатнома бериш тартиби тўғрисида низомда (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 11-сон, 91-модда):

а) 1-банддаги иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги битта хатбоши тарзида баён қилинсин:

«Мазкур Низомнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикасининг автомобилда юк ташувчиларига нисбатан ушбу Низомга ўхшаш рухсат бериш тартиботини қўлламаётган давлатлар хорижий автомобилда юк ташувчиларнинг автотранспорт воситаларига татбиқ этилмайди»;

б) 4-бандга «Ўзбекистон Республикасига» сўзларидан кейин «импорт юк билан» сўзлари қўшилсин;

в) 5-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«5. Хорижий автомобилда юк ташувчи:

автотранспорт воситаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт юк билан кирган тақдирда — бориш жойига етиб келгандан ва импорт юк туширилгандан кейин;

хорижий автомобилда юк ташувчининг транспорт воситаси транзит орқали бўш келаётган тақдирда — Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириш божхона масканига етиб келгунча ариза берувчини экспорт қилинадиган маҳсулотни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқишга тайёрлиги тўғрисида хабардор қилади»;

г) 9-банднинг «б» кичик бандидаги «бир неча марта» сўзлари «такроран» сўзи билан алмаштирилсин;

д) 12-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«12. Ариза берувчи ёхуд унинг ваколатли шахси ҳаракатланиш йўналишини ўзгартиришга олинган рухсатномани:

автотранспорт воситаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт юк билан кирган тақдирда — импорт товарларнинг туширилишини назорат қилган божхона масканига;

хорижий автомобилда юк ташувчининг транспорт воситаси транзит орқали бўш келаётган тақдирда — Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириш божхона масканига тақдим этади»;

е) 13-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«13. Тақдим этилган рухсатнома асосида ҳаракатланиш йўналишини ўзгартириш:

автотранспорт воситаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт юк билан кирган тақдирда — импорт товарларнинг туширилишини назорат қилган божхона маскани ваколатли ходими;

хорижий автомобилда юк ташувчининг транспорт воситаси транзит орқали бўш келаётган тақдирда — Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириш божхона маскани ваколатли ходими томонидан рухсатноманинг тартиб рақамини ва берилган санасини кўрсатган ҳолда расмийлаштирилади»;

ж) Низомга 1-илова иловага мувофиқ таҳрирда баён қилинсин:

Хорижий автомобилда юк ташувчилар
автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон
Республикаси ҳудудида ҳаракатланиш
йўналишларини ўзгартиришга рухсатнома
бериш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Хорижий автомобилда юк ташувчилар автотранспорт
воситаларининг ҳаракатланиш йўналишини ўзгартириш
масаласи бўйича транспорт-экспедиторлик ва транспорт
ташкilotлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси божхона
органларининг ўзаро ҳамкорлиги схемаси**

Босқич-лар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Транспорт-экспедиторлик ташкilotи транспорт ташкilotи (кейинги ўринларда — ариза берувчи), юкни жўнатувчи — Ўзбекистон Республикасининг экспорт қилувчиси	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ариза берувчи томонидан хорижий давлатнинг транспорт-экспедиторлик ташкilotи билан унга тегишли автотранспорт воситаларидан фойдаланиш юзасидан шартнома тузилади. 2. Ариза берувчи хорижий автомобилда юк ташувчининг автотранспорт воситалари ҳаракатланиш йўналишини ўзгартирган ҳолда экспорт маҳсулотни олиб чиқиш учун хорижий автомобилда юк ташувчилардан фойдаланиш нияти тўғрисида кейинчалик Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий органларини хабардор қилиш учун Ўзбекистон Давлат божхона қўмитасига мурожаат қилади. 3. Ариза берувчи томонидан экспорт маҳсулотни олиб чиқиш учун хорижий автомобилда юк ташувчиларнинг автотранспорт воситаларидан фойдаланиш тўғрисида юкни жўнатувчи — экспорт қилувчи билан шартнома тузилади. 	Тайёрлигига қараб
2-босқич	Хорижий автомобилда юк ташувчининг ҳайдовчиси (кейинги ўринларда — ҳайдовчи), Ўзбекистон Республикаси божхона органи	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ўзбекистон Республикасига импорт юк билан киришда ҳайдовчи божхона органига мурожаат қилади, ушбу органда товарга илова қилинадиган ҳужжатларга мувофиқ Ўзбекистон Республикасида унинг белгиланган жойгача ҳаракатланиш йўналиши белгиланади. 2. Хорижий автомобилда юк ташувчи: автотранспорт воситаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт юк билан кирган тақдирда — бориш жойига етиб келгандан ва импорт юк туширилгандан кейин; хорижий автомобилда юк ташувчининг транспорт воситаси транзит орқали бўш келаётган тақдирда — Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириш божхона масканига етиб келгунча ариза берувчини экспорт қилинадиган маҳсулотни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқишга тайёрлиги тўғрисида хабардор қилади. 	Тайёрлигига қараб
3-босқич	Рухсатномани берган ваколатли орган: Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари (кейинги ўринларда — ДБК ва ДБКХБ)	<ol style="list-style-type: none"> 1. ДБК ДБКХБни ариза берувчининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракатланиш йўналишини ўзгартирган ҳолда экспорт маҳсулотни олиб чиқиш учун хорижий автомобилда юк ташувчиларнинг автотранспорт воситаларидан фойдаланиш нияти ва ариза берувчи хорижий автомобилда юк ташувчининг муайян автотранспорт воситаси ҳаракатланиш йўналишини ўзгартириш тўғрисида мурожаат қилганда бир марталик рухсатнома бериш тўғрисида хабардор қилади. 2. Ариза берувчининг мурожаати ДБКХБ томонидан кўриб чиқилади. 3. Қабул қилинган қарор тўғрисида ДБКХБ ариза берувчини ёзма шаклда хабардор қилади. Ижобий қарор қабул қилинган тақдирда ДБКХБ ариза берувчи томонидан вакил қилинган шахсга (вакил ёки ҳайдовчи) белгиланган шакл бўйича рухсатнома беради. Ҳаракатланиш йўналишини ўзгартиришга рухсатнома бериш рад этилган тақдирда билдиришномада ҳам рад этиш сабаблари кўрсатилиши керак. 	<p>3 кун мобайнида</p> <p>3 кун мобайнида</p> <p>1 кун мобайнида</p>
4-босқич	Ариза берувчи ёки хорижий автомобилда юк ташувчининг ҳайдовчиси, Ўзбекистон Республикаси божхона органи	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ариза берувчи ёхуд унинг ваколатли шахси ҳаракатланиш йўналишини ўзгартиришга олинган рухсатномани: автотранспорт воситаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт юк билан кирган тақдирда — импорт товарларнинг туширилишини назорат қилган божхона масканига; хорижий автомобилда юк ташувчининг транспорт воситаси транзит орқали бўш келаётган тақдирда — Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириш божхона масканига тақдим этади. 	Рухсатноманинг амал қилиши тугаши муддатидан кечикмай

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

Босқич-лар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
		<p>2. Тақдим этилган рухсатнома асосида ҳаракатланиш йўналишини ўзгартириш:</p> <p>автотранспорт воситаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт юк билан кирган тақдирда — импорт товарларнинг туширилишини назорат қилган божхона маскани ваколатли ходими;</p> <p>хорижий автомобилда юк ташувчининг транспорт воситаси транзит орқали бўш келаётган тақдирда — Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириш божхона маскани ваколатли ходими томонидан рухсатноманинг тартиб рақамини ва берилган санасини кўрсатган ҳолда расмийлаштирилади.</p> <p>3. Экспорт маҳсулот юкланган автотранспорт воситасининг Ўзбекистон Республикаси ташқарисига чиқишида йўналишни ўзгартиришга рухсатнома хорижий автомобилда юк ташувчининг автотранспорт воситаси ҳайдовчиси томонидан чиқиб кетиш божхона масканига топширилади.</p>	<p>ўша кунда</p> <p>ўша кунда</p>

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI MOЛИЯ BAZИPЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

417 Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 22 сентябрда 1110-7-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(2007 йил 2 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3878-сон Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 19-20-сон, 192-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги «Сугурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-618-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 158-модда) мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 14 январдаги 10, 2002-16-сон қарори билан тасдиқланган Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (2002 йил 14 март, рўйхат рақами 1110 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 й., 5, 17-18-сон; 2003 й., 5-6-сон; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 10-сон, 125-модда; 2005 й., 10-11-сон, 87-модда; 2006 й., 9-сон, 67-модда, 2007 й., 7-8-сон, 76-модда) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 15 август,
77-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 15 август,
2007-46-сон

—

+

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2007 йил 29 сентябрдан 5 октябргача бўлган маълумот

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 15 августдаги 77, 2007-46-сонли қарори.*

2007 йил 22 сентябрда 1110-7-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 2 октябрдан кучга киради).

II. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:

1. Донни сақлаш ва қайта ишлаш бўйича корхонанинг портлаш хавфсизлиги техник паспортини тузиш бўйича йўриқнома. *Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан тасдиқланган.*

2. Нефть, газ конденсати ва нефть махсулотларини қабул қилиш, сақлаш, транспортда ташиш, бериш ва ҳисобини юритиш тўғрисида йўриқнома. *Ўздавнефтьгаз-инспекция, «Ўзнефтьгаз» МХК томонидан тасдиқланган.*

Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжатлар техник ҳужжат деб топилди.

Мазкур ҳужжатлар белгиланган тартибда кўрсатилган идоралар томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин. Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган меъёрий ҳужжатларда амалдаги қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.

-

+